

48-боб. Соҳибининг моли, фарзанди кўпайишини сўраб дуо қилган киши



16:00 / 25.06.2019 3354

88. Анасдан ривоят қилинади:

«Бир куни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирдим. У ерда мен, онам ва холам Умму Ҳарамдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимизга келиб:

«Сизларга бир намоз ўқиб берайми?» дедилар. Ўшанда намоз вақти эмас эди.

Шу пайт (ҳадис тинглаётган) одамлардан бири:

«Анасни қаерга турғаздилар?» деди.

«Уни ўнг томонларига турғаздилар», деди.

«Сўнгра бизга намоз ўқиб бердилар. Кейин аҳли байтимиз ҳаққига Аллоҳдан дунё ва охирагининг барча яхшиликларини сўраб дуо қилдилар. Кейин онам:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Кичкина хизматчингизни ҳам бир дуо қилинг», дедилар.

Ул зот менга барча яхшиликларни тилаб дуо қилдилар ва дуоларининг охирида:

«Аллоҳим! Бунинг молини ва бола-чақасини кўпайтиргин ва унга буларда барака бергин», дедилар».

Шарҳ: Бошқа ривоятларда ҳазрати Анас ибн Молик розияллоҳу анҳунинг «Ҳозир мендан боласи кўп, мендан моли кўп одам йўқ, бундан кейин ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари билан Аллоҳ уларга барака беради, деб ўйлайман», деганлари айтилган.

Дарҳақиқат, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари билан ҳазрати Анас ибн Молик юз ёшдан ортиқ яшаганлар, у киши энг охири вафот этган саҳобалардан бирларидир. Мол-дунёлари ҳам жуда кўп бўлган.

Сиз билан бизнинг орамизда урф бўлган «ували-жували бўлсин, серфарзанд, сердавлат бўлсин» деб дуо қилиш ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига мувофиқдир.

Ёр-дўст, биродарлар, қавм-қариндошлар бир-биримизни дуо қиладиган бўлсак, «серфарзанд қилсин, бадавлат қилсин, барака берсин, бахт-саодатли қилсин» деб дуо қилишимиз ниҳоятда яхши бўлар экан.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Анас ибн Молик ва у кишининг оналари, холалари ҳаққига дуо қилишдан олдин намоз ўқиганлари, ҳам бу дунёнинг, ҳам охирагининг яхшиликларини сўраб дуо қилишлари, умумий дуодан сўнг маълум бир кишига (Анас ибн Моликка) хослаб дуо қилганлари бизга жуда катта ибрат бўлиши керак.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам фарз намоз вақтидан бошқа пайтда ҳам жамоат билан намоз ўқиганлари.

2. Имом билан бир эркак киши бўлса, у имомнинг ўнг тарафида туриши кераклиги.
3. Улуғ ва дуоғўй кишиларнинг намоздан кейин маълум шахслар ҳаққига дуои хайр қилишлари борлиги.
4. Баъзи кишиларга алоҳида дуо сўраш мумкинлиги.
5. Яхшилик сўраб дуо қилиш жоизлиги.
6. Молу дунё сўраб дуо қилиш жоизлиги.
7. Серфарзанд бўлишни сўраб дуо қилиш жоизлиги.
8. Барака тилаб дуо қилиш жоизлиги.

«Одоблар хазинаси» китобидан